

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

моддаларининг мембранали гидролизи ва сўрилиши .....	187
<b>Н.Полвонов</b>	
Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида мол-мулкни мусодара қилишга бўлган муносабат .....	189
<b>O.A.Yuldashev</b>	
Сиёсий партиялар ва ҳукумат идоралари .....	192
<b>И. Исмаилов</b>	
Қўйкон хонлиги Маллахон Ибн Шералихон даврида (1858-1862) .....	195
<b>Р. Дусчанов</b>	
Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг солиқ сиёсати (1950-1970 йиллар мисолида) .....	198
<b>Р. Джураев</b>	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда чорвачиликнинг аҳволи (от ва йилқичилик мисолида) .....	202
<b>М. Темирова</b>	
Халқ ҳаётида радиодастурлар ролининг ошиб бориши ва уларнинг ғоявий-маънавий функциялари (1927-1991) .....	205
<b>О.Халилов</b>	
Мустақил Ўзбекистон ва Хитой халқ республикаси ўртасидаги муносабатлар тарихий нуқтаи назардан .....	209
<b>Д. Камбарова</b>	
Инглиз тили дарсларида ахборот воситаларидан фойдаланиш .....	212
<b>Қ.Кахаров</b>	
Германияда маданиятларо нутқий этикет муаммолари .....	214
<b>Ф. Дадабаева</b>	
А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида диалог таржимаси .....	217
<b>Г. Азамжонова</b>	
Шукрулло ижодига Жаҳон ва рус адабиётининг таъсири .....	220
<b>Н.Мерганова</b>	
Талабаларнинг хорижий тилда оғзаки нутқини ўстиришнинг педагогик усуллари .....	224
<b>М.Қаҳҳорова, З.Мухаммаджонова</b>	
Чет тили дарсларида ижтимоий шаклларнинг аҳамияти .....	227
<b>А.Х.Зинатуллина</b>	
Француз тили дарсларида қўшиқлардан фойдаланиш .....	230
<b>Ф.Анварова</b>	
Жаргонларнинг нутқимизда тутган ўрни ва вазифаси .....	233

УДК: 371.245+394.5

## ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА

### USE OF MEDIA IN ENGLISH LESSONS

Д. Камбарова<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Д. Камбарова

ФарДУ, инглиз тили кафедраси ўқитувчиси.

#### Аннотация

Мақолада инглиз тили дарсларида ахборот воситаларининг қўлланилиш тарихи ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари хақида атрофлича фикр юритилади.

#### Аннотация

В данной статье представлены широкие рассуждения об истории применения и особенностях использования информационных средств на уроках английского языка.

#### Annotation

This article deals with the history of usage of media in teaching foreign languages and the efficiency of using media such as newspaper, TV, radio, articles, internet sources in teaching and learning process are given.

**Таянч сўз ва иборалар:** ахборот воситалари, дарс жараёни, газета ва журналлар, радио ва телевидение, интернет материаллари, дарс самарадорлуги.

**Ключевые слова и выражения:** информационные средства, процесс урока, газеты и журналы, радио и телевидение, интернет-ресурсы, эффективность урока.

**Key words and expressions:** media, teaching process, newspaper and magazine, radio and TV, internet sources, efficiency of the lesson.

Маълумки, буғунги кунда бутун дунё ҳалқлари ўз она тилларидан ташқари бир неча тилларни эгаллашга ҳаракат қилмоқдалар. Тиллар ичida шундай тиллар борки, улар ҳалқаро тил ҳисобланиб, улар кишилар ўртасида алоқа воситаси ҳисобланиб, маълумот алмашибига имконият яратади. Инглиз тили ана шундай ҳалқаро тиллардан бири ҳисобланади.

Ўрганиш ва билим олиш мураккаб жараёндир. Билим олиш ўқувчи/талабадан машақатли меҳнатни талаб қиласди. Шу сабабли талаба ёки ўқувчиларнинг имкон қадар қизиқишларини ортиришга ҳаракат қилиш лозим.

Хорижий тил дарсларида ахборот воситаларидан фойдаланиш кўзланган мақсадга қишинида мұхим омил сифатида хизмат қиласди. “Ахборот воситаларининг ривожланиш тарихига назар ташласак, 1446 йилда китоб, 1609 йилда газета нашр этила бошланганлиги, 1833 йилда телеграф, 1860 йилда телефон, 1923 йилда радио, 1927 йилда телевизор ихтиро этилганлигини ва 1967 йилдан АҚШ да рангли телевизор ишлаб чиқарила бошланганлиги ва 1941 йилдан бошлаб эса компьютерлар вужудга келганлигини билиб оламиз”[1,127]. Ўқитиш ва ўрганиш жараёнида ахборот воситаларидан фойдаланиш янгилик әмас, лекин шунга

қарамасдан ўқитиш ёки ўрганиш жараёнида талаба ёки ўқувчининг эътиборини дарсга жалб қилиш ҳамда ўқитиш ва ўрганишнинг самарали бўлишига эришиш учун ахборот воситаларидан фойдаланиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ахборот воситаларининг афзаллиги шундаки, улар талабаларга бирон-бир мавзуни атрофлича ёритишида, уни янада тушунарли қилишда мұхим роль ўйнайди. Ахборот воситаларидан унумли ва тўғри фойдаланишни ҳамма ўқитувчилар ҳам етарли даражада эгалламаганлар. Шунинг учун баъзи ҳолларда ахборот воситалари ўқувчиларга дарс жараёнида ёрдам бериш ўрнига ҳалақит бериши сир эмас.

Ахборот воситалари бу хабарни етказувчи ва узатувчи воситадир. Ли Линг Кио фикрига кўра, «Қачонки ахборот воситалари хабарни ўқитиш максадида узатиб берсаю, ахборот воситаларини таълим воситалари, деб аташ мумкин»[2,61]. У яна қўшимча сифатида ахборот воситаларининг дарсларда қўлланилишиңиз билим олишни тасаввур қилиш имконсиз, деб фикр билдиради [2,61-88].

Ахборот воситаларини нафақат чет тили дарсларида, балки барча фанларда қўллашимиш мумкин. Инглиз олими Мастерман Лен ахборот воситалари орқали ўқитиш талабани масъулият

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

билин ёндашишда, рағбатлантиришда ўқувчи ўзини-үзи назорат қилишида мұхим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлайды [3,18].

Бугунги кунда дарсни ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмаслиги барчага маълум. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи дарс бериш жараёнида ахборот воситаларидан фойдаланиш кераклигини инобатга олиш керак.

Мазкур мавзу асосида мактаб ўқитувчилари билан сўровнома ўтказганимизда, уларнинг аксарият қисми дарс жараёнида ахборот воситаларидан фойдаланиш ўқувчиларининг дарсга бўлган қизиқишларини янада кучайтиришини, дарсда фаол қатнашишларини айтиб ўтдилар. Колаверса, ўқитувчилар ахборот воситалари орқали дарс ўтилганда ўқувчилар кейинги дарсларни қизиқиш билан кутишларини таъкидлаб ўтдилар. Аввало ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни доимо йўналтириб бормоғи лозим. Натижада ўқитувчи ўқувчи/талабаларнинг дарсга сабабсиз камдан-кам кеч қолишишларини ёки умуман келмай қолмасликларининг олдини олган бўладилар. Бироқ, бошланғич синфларда чет тилини ўқитиши ўқитувчидан анчайин сабр ва бардош талаб этиши тажрибамиздан маълум. Бошланғич синфларда ҳам ахборот воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки улар билан биз хорижий тил дарсларида видеороликлар намойиш этиш орқали чет тилини ўрганишга қизиқишларини янада орттиришимиз мумкин. Бундан ташқари, сўровнома жараёнида ўқитувчилар ахборот воситалари ўқитувчининг энг яқин дўстига айланиши кераклигини, чунки ўқитишида ахборот воситалари ўқитувчига ёрдамчи восита сифатида хизмат қилишини, колаверса, ўқувчининг диққатини назорат қилишга ҳам ёрдам беришини таъкидлаб ўтадилар. Яна шу нарсани алоҳида эътиборга олиш лозимки, ўқитувчи дарс бериш жараёнида ўқувчи/ талабаларга мавзуга мос ахборот воситаларини танлашлари керак.

Шу ўринда биз юқорида келтирилган Ли Линг фикрини алоҳида таъкидлаган ҳолда, ҳақиқатан ҳам ахборот воситалари дарс мақсадига эришишда мұхим восита сифатида хизмат қилишини алоҳида айтиб ўтмоқчимиз.

Ахборот воситалари ичida интернетдан фойдаланиш ҳам мұхим аҳамиятга эга. Лекин ҳар бир ўқитувчи интернетдан қай даражада фойдаланишни билиши лозим. “Энг аввало ўқитувчи материалнинг тил жиҳатдан муракаблилик даражасини, яъни танланган интернет ресурсда ўқувчи/ талабаларда қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган сўзлар, грамматик конструкциялар, иборалар бор-йўқлигини кўриб чиқади. Бундан ташқари, матннинг маъно жиҳатидан ўқувчи/талабаларнинг билим даражасига тўғри келиш ёки келмаслигига ҳам эътибор берилади.”[1,128]. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ўқитувчилар аввал ўқувчиларига мавзу ҳақида қисқача умумий маълумот берадилар. Масалан, мавзу Осиё мамлакати ҳақида бўлса, унинг жойлашиши, чегаралари, туманлари, обҳавоси, ҳосили ва х.к. лар ҳақида маълумот берадилар. Ўқитувчи олдин ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб, Осиё ҳақида лойиҳа ишини бажаришни топшириқ сифатида берадилар. Улар Осиё ҳақида маълумот олиш учун интернетдан фойдаланишлари мумкинлиги ўқитувчи томонидан тушунтирилиши керак. Биз дарсга интернетдаги барча маълумотлар билан бирга тайёрланамиз, шунинг учун уларнинг интернетга киришлари билан барча маълумотлар мониторда пайдо бўлиши лозим. Улар Осиё ҳақида ва унинг харитаси, байроғи, машҳур бинолари, тоғлари, урф-одатларини топишга ҳаракат қиласидилар. Барча мұхим маълумотларни топгандаридан сўнг, ўз гуруҳ тақдимотларини намойиш қиласидилар. Олий таълим тизимида ўқитиладиган интеграллашган тил кўникмаларини ўқитишида ҳам лойиҳа ишларини тайёрлашда уларга ахборот воситалари катта ёрдам беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ахборот воситалари дарс самарадорлигини оширишда, ўқувчи/талабаларнинг фикрларни қобилиятларини оширишда, дарсга барчани жалб қилишда, билимларини такомиллаштиришда, тил ўрганишга бўлган қизиқишларини ўстиришда ва уларнинг дунёқарашларини кенгайтиришда мұхим роль ўйнайди.

### Адабиётлар:

- 1.М.Ходжаев. Чет тили ўқитиши методикаси. –Т., 2013.
2. Li- Ling KUO, Christine. 1991. *The Importance of Educational Media in Teaching*. Buletin of Social Education, Volume 20,
3. Masterman, Len. 1999. *Principles of Media Education*.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).